



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил  
28 мартдаги “Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли  
фарзандларини узулксиз таълим олишини моддий ва маънавий  
жихатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
хақида”ги 257-сонли қарори хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги  
“Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга  
таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори ижросини таъминлаш,  
шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли  
фарзандларини узулксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан  
қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Кенгаши  
қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил  
28 мартдаги “Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини  
узулксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш  
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 257-сонли қарори ижро  
учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори  
билан:

а) ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини  
узулксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш  
тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини  
узулксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш  
билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблаглари,  
жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари, шунингдек, колпун  
хужжатларида тасдиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга  
оширилиши инोбатга олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар)лар идораларо кенашлари  
ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узулксиз  
таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича  
давлат ва нодавлат ношжорат ташкилотлари фаолиятини  
мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси  
Кенгаши:

ёши, қобилияти ва ихтисослиқларига қўра эҳтиёжманд оилалар  
фарзандлари, шу жумладан уларнинг иқтидорли болалари базасини  
шакллантириш ва доимий янгилаб бориш;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини  
қизиқишлари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, фан, касб-ҳунар ва  
спорт тўғрисида фаолиятини йўлга қўйиш;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини  
Ўзбекистон ёшлар иттифокининг таълим муассасаларида бошланғич  
ташкилотлари фаолиятига кенг жалб қилиш;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини  
истеъоддини рўёбга чиқаришга йўналтирилган турли танловлар, тадбирлар,  
лояихатлар ва бошқа акцияларни ташкил этиш ва ўтказиш ва оммавий  
аҳборот воситаларида кенг ёритиб бориш.

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини  
мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши маҳалла  
фуқаролар йиғинларида истикомат қилётган ижтимоий эҳтиёжманд  
оилаларнинг иқтидорли фарзандлари рўйхатини шакллантириш ва ихтиёрий  
билим олиш маданиятини ривожлантиришга қаратилган тартибот  
тадбирларини ўтказсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим  
муассасасида ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли  
фарзандларининг қизиқишлари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда  
фан, спорт ва санъат тўғрисида фаолиятини ташкил этиш, ушбу  
тўғрисида маълумот ўқитувчилар, педагог ва тренерлар билан таъминлаш;  
ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини  
ўрнатилган тартибда иссиқ кийим-бош ва ўхув қурооллари билан таъминлаш  
чораларини кўриш;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини умумий  
ўрта таълим муассасаларининг ўзайтирилган кун гуруҳларига ўрнатилган  
тартибда бепул этиш чораларини кўриш.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши  
Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси **М.Сариев**

